



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 2 август, № 157 (7387)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ, ЯНАДА САМАРАЛИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 31 июль — 1 август кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатга бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 1 август кунки Минск шаҳридаги Мустақиллик саройида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари тақлиф ва кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Беларусь билан шериклик муносабатларини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратишини қайд этди.

— Сизнинг Ўзбекистонга тарихий ташрифингиздан, музокараларимиздан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда янги ва аниқ мазмун билан бойида ва бу ўз самарасини бермоқда. Давлатларимиз ҳудудлари ўртасида сермахсул алоқалар йўлга қўйилгани бунга ёрқин мисолдир. Биз ўзаро алмашувлар учун яхши пайдевор яратдик. Барча даражаларда ҳамкорлик қилишга иштиёқ бор. Бугун биз эришилган натижаларни таҳлил қилишимиз, шунингдек, истиқболда муваффақиятлар ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган ўсиш ҳақларини биргаликда белгилаб олишимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Беларусь Президенти олий мартабали меҳмонни қўлга, ҳамкорликда қисқа фурусадда катта натижаларга эришилаётгани, маъруз ташрифи уни янада юқори босқичга олиб чиқишини таъкидлади.

— Охириги икки йилда Сиз билан биргаликда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни бутунлай ўзгартириб юбордик, моҳиятан, улари янгидан йўлга қўйдик. Шу вақт ичида амалга оширган ишларимиз ўтган 25 йил давомида қилингандан ҳам ортқ бўлди. Давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди, уни изчил ошириб бориш лозим. Сизнинг ҳудудларини ҳамкорлик билан ўзаро боғлаш борасидаги ташаббусингиз — ушбу ташрифнинг ўзига хос жиҳати. Худудлар раҳбарларининг ўзаро ташрифлари уюштирилди, кўрғазмалар ва маданият кунлари ташкил этилди. Буларнинг барчаси Беларусьга ташрифингиз аҳамиятини янада оширади. Энг асосийси, маҳаллий маъмуриятлар бошлиқлари ҳамкорликка доир қўллаб-қўллаш шартномалари имзолади. Бизнинг ишимиз — йўлни очиб беришдан иборат эди ва биз бунинг урмасидан чиқдик, — деди Александр Лукашенко.

Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлиги кейинги йилларда анча фаоллашди. Давлатлараро муносабатлардаги янги муҳит ҳалқларимиз ҳаётида акс этмоқда. Икки мамлакат тармоқлари, ҳудудлари ва бевосита ишбилармонлари яқин алоқаларни йўлга қўйди. Бу икки томон ҳам ўзаро манфаатли, дўстона ҳамкорлик тарафдори эканининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Президентининг Беларусьга илк расмий ташрифи арафасида ташкил этилган тадбирлар сермазмун ва ғоят натижадор бўлгани бунинг далилидир.

Мамлакатларимиз халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Президентларимиз турли саммитлар майдонидан ҳам учрашувлар ўтказиб, ўзаро алоқаларини истиқболли йўналишлари бўйича доимий мулоқот қилиб келмоқда.

Бугунги кунда савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт-коммуникация йўлакларини ривожлантириш, саноат кооперациясини ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш ўзаро ҳамкорлик

нинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Мулоқотда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати, ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари учинчи мамлакатлар бозорларини ўзлаштириш мақсадида кооперацияни кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Шунингдек, беларуслик шериклар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон билан Евросий иқтисодий иттифоқи ҳамкорлиги истиқболлари қўриб қилинди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга мўллик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокара расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этирилди. Унда ўзаро савдо қўлланини ошириш, минтақаларо ҳамкорлик учун янги йўналишлар очилиш, илм-фан, инновациялар, рақамли технологиялар, таълим ва туризм соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари қўриб қилинди.

Давлатимиз раҳбари кейинги икки йилда товар айирбошлаш ҳажми қарий 4 баробар ўсганини, бу суръатни сақлаб қолиб, савдо айланишини янада ошириш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун махсулот етказиб берувчиларни қўллаб-қўллаш алоқаларни йўлга қўйиш, бизнес форуми ва кўрғазмаларни қўроқ ташкил этиб, ўзаро манфаатли йўналишларни аниқлаш ва барча имкониятларни тўлиқ ишга солиш муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистон Беларусга тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё саноати махсулотлари, рангли металл ва ундан тайёрланган ускуна ва буюмлар, транспорт воситалари, эътиёт қисмлар экспорт қилади. Беларусь мамлакатимизга қишлоқ хўжалиги техникаси, озиқ-овқат товарлари, ёғоч, резина ва каучук, қора металл ва бошқа махсулотлар етказиб беради.

Президентимиз Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳужжатлараро комиссия савдо оқимини чуқур таҳлил қилиб, товар айирбошлаш ҳажмининг жадал ошириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиши кераклигини таъкидлади. Ўзаро тажриба ва технологиялар алмашиш орқали рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш, улар билан ҳам ички, ҳам учинчи давлатлар бозорини тўлдирish истиқболлари муҳокама қилинди.

Александр Лукашенко Беларусь — Ўзбекистон ҳамкорлиги шунчаки дўстона муносабатлар билан чекланмаслигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташрифининг кўп қиррали дастури мулоқотни ҳар томонлама ривожлантиришга ўзаро интилишининг ёрқин тасдиғи бўлганини қайд этди.

— Ўзбекистон иқтисодиётни диверсификация қилишда катта ютуқларга эришди, автомобильсозлик, нефть-газ кимёси саноати, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш каби янги тармоқлар ташкил этилди. Беларусь кўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр, — деди Александр Лукашенко.

Беларусь узоқ мuddатли ҳамкорлик дастурини амалга ошириш, қўшма корхона ва сервис марказларини ташкил этиш, сутни қайта ишлаш замонавий ихчамуларни, фармацевтика қўвватларини ишга тушириш, ахборот технологиялари соҳасида шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор экани қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, тўқимачилик, чарм-тери ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва иқтисодиётнинг бошқа истиқболли тармоқларида кооперацияни янада кучайтириш ҳам устувор йўналишлар экани таъкидланди.

Икки мамлакат худудларидаги мавжуд салоҳиятини тўла юзага чиқариш бўйича яқдил фикр билдирилди. Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида Минскда ўтган форумда томонларнинг ҳамкорликка интилиши қатъийлиги, ўзаро манфаатли лойиҳалар қўлини намоён бўлди.

Фан, инновациялар, рақамли технологиялар, таълим соҳалари ўзаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Чўнки буларисиз ҳамкорликнинг узоқ мuddатли истиқболлини белгилаб бўлмайди.

Беларуснинг рақамли технологиялар, дастурлаш ва ахборот коммуникацияларини жорий этиш борасидаги илғор тажрибасига қизиқчи кўчи. Музокарада таълим соҳасига тегишли дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қўвлатиш, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, қўшма факультет ва лабораториялар очилиш, уларга ёшларни жалб этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик тобора фаоллашмоқда. Ўтган йили Беларусь Президентининг ташрифи доирасида Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика университетини базасида Беларусь — Ўзбекистон таълим маркази очилди. Бугунги кунда икки мамлакатнинг 15 олий таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўртимизда фан, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларда беларусь миллигига мансуб юртдошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Тошкент шаҳрида "Свита-нак" беларусь маданият маркази самарали фаолият олиб бормоқда. Унинг бир неча фаолият Президентиимиз Фармониюга қўра давлатимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланган.

Ўтган йили Тошкентда атоқли беларусь адаби ва жамоат арбоби Якуб Коласнинг бюсти ўрнатилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи арафасида кўч минг Минск шаҳрида улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бюсти очилгани халқларимизнинг маданий алоқаларни янги босқичга қўтарилишининг яна бир аққол ифодаси бўлди.

Музокаралар яқинда қабул қилинган қарорлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш бўйича қўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳужжатлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 11 ҳужжат имзоланди. Улар ишлаб чиқариш ва илмий-техник кооперация, худудлараро ва инвестициявий ҳамкорлик, таълим, оммавий ахборот воситалари, нарийбёт ва полиграфия фаолияти, ахборот-коммуникация технологиялари, божхона ва бошқа соҳаларга тааллуқлидир.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда давлат раҳбарлари музокаралар очик ва конструктив руҳда ўтгани, ўзаро манфаатли келишувларга эришилганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари музокаралар ғоят са-

марали бўлгани, томонларнинг яқдил фикри ва сиёсий иродаси туфайли барча масалаларда ижобий натижаларга эришилгани, муносабатлар мутлақо янги тарзда ривожланишда давом этишини таъкидлади.

— Яхши аънаға айланган доимий учрашувларимиз Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга мустаҳкам асос яратди. Бугун дўстона муҳитда ўтган музокараларда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, истиқболдаги янги вазифаларни белгилаб олдик. Эришилган келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инновация ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Беларусь Президенти ўтган йили мамлакатларимиз ўзаро савдо айланимаси охириги йиллардаги энг юқори кўрсаткичга чиққани, бу ижобий тенденция жорий йил ҳам давом этаётганини таъкидлади.

— Музокараларимиз ўзаро ишонч ва дўстона руҳда ўтди ҳамда Беларусь ва Ўзбекистон стратегик шериклар эканини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистоннинг кейинги уч йилда эришаётган муваффақиятлари дўст сифатида бизни жуда қувонтиради. Мамлакат раҳбарияти иқтисодиёт тармоқларини нафақат модернизация қиляпти, балки саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда инқилобий ўзгаришларни амалга оширяпти, янги йўналишларини ҳаётга татбиқ этипти. Бу ҳамкорлигимиз янада самарали бўлишига умид бағишлайди, — деди Александр Лукашенко.

Томонлар бундан бундан ҳам халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қўвватлашда давом этишини тасдиқлади.

Ташриф арафасида Минскда ўтган худудлараро форумда икки мамлакат шахар ва вилоятлари ўртасида 12 ҳужжат, шунингдек, умумий қиймати қарий 300 миллион доллар бўлган шартнома ва битимлар имзолангани қайд этилди.

Шу кунларда Беларусда давом этаётган Ўзбекистон маданияти кунлари ёрқин воқеа бўлиб, халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко ҳамроҳлигида Фахрий меҳмонлар боғига ташриф буюриб, халқларимиз дўстлиги ва бирдорлигининг рамзи сифатида қўчат ўтказди. Куннинг иккинчи ярмида давлат раҳбарлари Минскда ташкил этилган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" бренди остидаги миллий махсулотлар кўрғазмасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг кенг турдаги махсулот ва хизматлари учун "БелЭкспо" миллий кўрғазмалар марказида алоҳида мажмуа ажратилган.

3 минг квадрат метрлик ёпиқ манежда 25 та эскелюзив стенд қўрилиб, "Ўзэлектросаноат", "Ўзтўқимачиликсаноат", "Ўзчармсаноат", "Ўзбекизоқовқатхолдинг", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекнефтгаз", "Ўзсаноат-қурилишматериаллари", "Ўзстрой", Навоий ва Омалик қон-металлурия қўшма ширкати ва олтин компания ва уюшмалар, Фармацевтика тармоқини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари махсулотлари кўрғазмага қўйилган. 500 квадрат метр очик майдонда эса автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникаси, юк машиналари, автобуслар ва бошқа товарлар намойиш этилмоқда.

Кўрғазмада унта вилоятимиздан юздан зиёд корхона ва тадбиркорлик субъектлари ўз махсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Ўртимизнинг туризм салоҳияти тарғиботиға ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

29 июль кунини очилган ушбу кўрғазмага Беларусьнинг барча худудларидан ишбилармон доиралар, савдо ва саноат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари келмоқда.

Александр Лукашенкога мамлакатимиз компанияларининг қуввати ва салоҳияти, махсулотларининг сифати ҳақида сўзлаб берилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон компания ва агентликларининг мутасаддиларига Беларусдаги манфаатдор корхоналар билан кооперация алоқаларини ўрнатилиш, қўшма савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Беларусь Бош вазири Сергей Румас ҳамроҳлигида Минск шаҳридаги "Беларусь" юқори технологиялар парки фаолияти билан танишди.

Ушбу парк 2005 йилда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қулай муҳит яратиш, шу орқали мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ташкил этилган. 2014 йилда унга қатор имтиёзлар берилиб, фаолият йўналишлари кенгайтирилган.

Бугунги кунда мазкур парк дастурлаш, ахборот технологиялари, иқтисодиёт тармоқлари учун инновация ечимлар, консалтинг ва бошқа йўналишларда етакчи марказлардан бирига айланган. Бу ерда ишлаб чиқилган дастурий махсулотларнинг 90 фоиздан зиёди экспорт қилинмоқда, 67 мамлакат компаниялари уларнинг буюртмачилари ҳисобланади.

Президентимизга парқда банк-молия, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, экология ва бошқа соҳалар учун яратилган инновация ечим ва ишланмалар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур технопарк резидентлари имкониятларининг Ўзбекистонда тақдиротиини ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Технопарк ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ва тажриба алмашиш бўйича алоқаларни кенгайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Матнозар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбири,
Минск

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИгини Жадал Ривожлантириш, АГРАР Секторни Қишлоқ Хўжалиги Техникалари билан Таъминлашни Давлат Томонидан Қўллаб-қўвватлашга Оид ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, экспортга мўлжалланган тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган техникалар билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация тизими йўлга қўйилмаганилиги, ишлаб чиқарилаётган техникаларда импорт қисмлари улушининг юқорилиги, аграр секторни техника билан таъминлашни барқарор тизими мавжуд эмаслиги, техникаларга сервис хизмати кўрсатишнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганилиги ҳамда илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг уйғунлашмаганилиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ йўлга қўйиш, аграр секторни худудларнинг табиий иклими ва тупроқ шароитларига мос келадиган замонавий ва арзон қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, шунингдек, соҳани давлат томонидан қўллаб-қўвватлаш тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини 2021 йилда 60 фоизга етказиш бўйича ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИ

Бугун давлат аҳамиятига мўллик масалалар бевосита халқимиз билан муҳокама қилиниб, ҳар бир масалада юртдошларимизнинг фикрини ўрганиш кўндалик ҳаётимиз, фаолиятимиз мезонига айланиб улгурди. Давлат сиёсати даражасига айланаётган ушбу жараённинг муҳим аҳамияти шундаки, халқимиз ўз вақиллари, яъни депутатлар орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бевосита кузатиб, назорат қилиб бормоқда. Мамлакат ҳаётини ҳар қандай масалага дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қарор топган янги механизм — парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш борабора Давлат Бош вазири ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан Олий Мажлис палаталари олдига ҳар чоракда ҳисобот бериш амалиёти торабора такомиллашиб бормоқда. Жамиятимиз ҳаётига оид янгиликлардан халқни хабардор қилиш, пировардида Ҳукумат фаолиятига халқнинг ўзи сайлаб қўйган депутатлари воситасида баҳо бериш амалиёти ижтимоий-сиёсий

ҳаётимизда реал воқеликка айланоқда.

2019 йил 1 август кунки Олий Мажлис Қонунчилик палатасида шундай муҳим тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳарақатлар стратегиясини "Фоал инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил биринчи ярмида бажарилишини бориши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Хушхабар

ЁШ КИМЁГАРЛАРИМИЗГА ДУНЁ ТАН БЕРМОҚДА

Франциянинг Париж шаҳрида янграган хушхабар интернет сайтларию ижтимоий тармоқларга қўчиб, бир зумда мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзди.

Ғап шундаки, 21 — 30 июль кунлари Европаннинг қадим ва эртанамо шаҳри — Парижда кимё фани бўйича ўтказилган 51-Жаҳон олимпиада-сида ўзбекистонлик ўқувчилар ўз билим ва иқтидорини намоиш этиб, иккитадан кумуш ҳамда бронза медалларни қўлга киритди. Мўҳими, Ўзбекистон жамоасиди 4 нафар ёшнинг барчаси совриндорлар қаторидан жой олди.

Эрта тонгда Ислам Қаримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида истеъодли ёшларимиз тантанали кутиб олинди.

Қайд этиш жоизки, кимё фанидан ўтказилган олимпиада-сида

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, АГРАР СЕКТОРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги уч ой муддатда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш ва ушбу лойиҳаларни 2021 йил якунига қадар ишга тушириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ушбу қарорнинг 1-илоvasига мувофиқ тасдиқланаётган инвестиция лойиҳалари техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга, истисно тарихида, тендер ўтказмаган ҳолда саралаш танлови асосида лойиҳа институтилари ва инжиниринг компанияларини жалб қилишга рўхсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ, “Асака” АТБнинг “Металл буюмларни қуйиш замонавий цехини ишга тушириш” лойиҳасини амалга оширишга хорижий тижорат банклари кредит линияларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

“Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ:

икки ой муддатда мазкур лойиҳанинг техник иқтисодий асослари етакчи лойиҳа институтилари ва инжиниринг компанияларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқишини;

лоийҳанинг 2020 йил октябрь ойига қадар фойдаланишга топширишини;

“Асака” АТБ билан биргаликда мазкур лойиҳанинг лойиҳа ҳужжатлари комплекслек экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

3. Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш sanoati ва бошқа sanoat тармоқлари ўртасида кооперацияни амалга ошириш тавсия этилаётган махсулотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги мазкур рўйхатга ўзгариш киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш жадаллаштириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Н. С. Отақонов):

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилишини;

мазкур қарор ижроси тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар 15 кунда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ билан биргаликда уч ой муддатда етакчи хорижий консалтинг компаниясини жалб этган ҳолда, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин:

ишлаб чиқарилаётган мавҳуд техника турларини оптималлаштириш ва янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг бюджет моделини ишлаб чиқариш ийўга қўйиш ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари учун янги миллий “бренд”ни яратиш;

боғдорчилик, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишида техника турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва умумий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

ўрта ва узок муддатга мўлжалланган экспорт улушини ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш ва тайёр махсулот экспортини ишлаб чиқарилган махсулотга нисбатан 2022 йилда 20 фоизга, 2025 йилда эса 30 фоизга етказиш; замонвий корпоратив бошқариш усулларини, хусусан “ERP” автоматлаштирилган ҳисобга олиш, “GMS” ишлаб чиқаришни бошқариш ва “BIQ” сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

машина-трактор парklarининг мавҳуд техникалари ва бўш турган ер майдонларини оптималлаштириш ҳамда уларни, асосан, таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш.

6. Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

2019 — 2021 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан маҳаллийлаштириш даражаси 20 фоиздан кам бўлмаган ҳолда республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинганда техника нархининг 15 фоиз миқдорига субсидия бериш;

комбайнлари хорижда хизмат кўрсатиш (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларининг 80 фоизини компенсация қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тартибин ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникалари харидларини кредитлаш ва уларни лизингга бериш тизимини такомиллаштириш мақсадида миллий валютада тижорат банкларига 50 миллион АҚШ доллари эквивалентлида маблағларни жойлаштириш ва самарали ўзлаштириш чораларини кўрсин;

мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун 2019 йил учун 60 миллиард сўм, кейинги йилларда эса талабга мувофиқ зарур маблағларни йўналтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги:

2019-2020 йилларда имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан эквивалентли 60 миллион АҚШ доллари миқдоридида миллий валютанинг тижорат банклари орасида уларнинг буюртманомалари асосида маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни молиялаштириш учун ажратилишини;

икки ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига зарур техникаларни лизинг орқали етказиб бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан паст фоизли хорижий кредит ресурсларини жалб қилган ҳолда аниқ чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқишини таъминласин. Бунда барча лизинг корхоналари учун тенг рақобат муҳити яратилиши таъминлансин.

10. “Асака” АТБ ва “Агробанк” АТБнинг маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг ва кредитга олишни молиялаштириш учун 60 миллион АҚШ доллари миқдорига халқаро молия институтилари ва хорижий тижорат банкларининг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

11. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига бириктириладиган касб-хўна қоллежлари рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгиланган қишлоқ хўжалиги касб-хўна қоллежларида:

қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари иш берувчиларнинг буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ташкил этилади. Бунда ходим аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўналмаси асосида ишга қабул қилинган бундосли лозим;

кадрлар тайёрлаш касблар ва мутохассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади;

мазкур қарор билан касб-хўна қоллежларига бириктирилган олий таълим муассасалари “Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ тизим корхоналари билан биргаликда тегишли касб-хўна қоллежларига методик ёрдам кўрсатилишини ҳамда касб-хўна қоллежлари ўқувчилари ўртасида келгуси фаолиятини давом эттириш юзасидан қасбга йўналтириш ишларини тизимли равишда ташкил этиш;

кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан манфаатдор иш берувчилар билан биргаликда ҳар йили 1 мартга қадар қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш орқали шакллантиради.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муноҳдислари институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг соҳага оид тегишли кафедралари филиалларини “Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ тизим корхоналарида ташкил этиш;

“Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ тизим корхоналарида камидан 5 йил иш стажига эга бўлган фўкороларни қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига сиртки ва кеңи таълим шаклларида суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш;

“Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ тизим корхоналарининг раҳбарлик лавозимларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилганлар хорижий олий таълим муассасасини туттаган ёки илмий даражага эга номзодлар орасидан танлов йўли билан лавозимга тайинлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига мувофиқ “Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ тизим корхоналарида лавозимга тайинланган профессор-ўқитувчиларнинг олий таълим муассасасидаги иш жойи ва ўртача ойлик иш ҳақини 2 йил давомида сақлаб қолиш.

“Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ ўзининг таркибига кирувчи корхоналарда талабарлар дарс машғулотлари ҳамда амалиёт ўтказиш учун аудиторияларнинг ташкил этилиши ва уларнинг дарсадан бўш вақтларида ишлашга шароит яратилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда “Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ билан биргаликда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида кадрлар буюртмачилари таклифлари ва илғор хорижий тажриба асосида ўқув режа ва фан дастурларини қайта кўриб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан биргаликда икки

томонлама диплом бериладиган қўшама дастурлар асосида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

14. 2019 йил 1 сентябрдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги Мутахассислари хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан:

магистр, докторант, профессор-ўқитувчи, илмий ходим ва соҳа муҳандис техник ходимлари етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига ўқиш ва малака ошириш учун юборилади;

икки томонлама диплом бериладиган қўшама дастур асосида тахсил олаётган иктидорли бакалавр талабаларнинг хорижий олий таълим муассасасидаги ўқиш тўлов контракти тўлаб берилади.

15. Белгилансинки, “Ўзгротехсаноатхолдин” АЖнинг ижро этувчи аппарати тузилмаси ва бошқарув ходимларининг умумий келмаган сонига акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ўзгариш киритилиши мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда импорт қилинадиган ва янги ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникалари учун ўрнатилган техник талабларни республиканинг тўпрок-иқлим шароити ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. “Ўзгротехсаноатхолдин” АЖ:

а) тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилган ҳолда:

2020 йил 1 мартга қадар ички ва ташқи бозорларда

дилерлик тармоғини кенгайтириш;

маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи зарур техникалар билан жиҳозланган ва кўча хизмат кўрсатувчи бунда минақаъий сервис марказларини 2019 йил охиригача, қолган ҳудудларда 2021 йил 1 январга қадар ташкил этсин;

б) 2020 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштирувчилар ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини кенг жалб этган ҳолда “AgroMashExpo” қишлоқ хўжалиги техникалари халқаро кўргазма-савдосини ҳар йили икки мартаба ўтказиш амалиётини жорий этсин;

в) “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларнинг ҳавфсизлик ва сифат кўрсаткичларини таъминлайдиган намунавий тажриба дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари 3. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 31 июль

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИ



Хисоботни Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳақимов тақдим этди. Депутатлар таъкидлаганидек, хисоботда барча муҳим масалалар кенг камровда акс эттирилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасига ҳамда унинг таркибига кирувчи вазирлик ва идораларга юборилган парламент ҳамда депутатлик сўровларига беришга жавоблар ҳам чуқур таҳлил қилинган. Галдаги хисоботнинг аввалгиларидан фарқли яна бир жиҳати шундаки, бажарилган ишлар баробарида Ҳукумат келгуси ярим йилликда адо этилиши белгиланган режаларини аниқ объектлар, рақамлар орқали маълум қилган. Хисоботда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани изчил ривожлантиришнинг таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар батафсил баён қилинган. Айниқса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, жозибадор инвестицион муҳитни яратиш, республика ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини кўтариш борасидаги ишлар чуқур таҳлил этилган.

Унга кўра, 2019 йилнинг I ярим йилликда яна икки махсулот (ЯИМ) ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,8 фоиз ошди. Давлат бюджетининг 2019 йил январь — июнь ойларига даромадлари 50,7 триллион сўмини (ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 1,5 марта кўп), харажатлари эса, 55,3 триллион сўмини ташкил этди. Давлат бюджети харажатлари таркибиде энг юқори улуш (54,4 фоиз) ижтимоий харажатларга тўри келди. Маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги эркинлиги сезиларли даражада оширилди. Депутатлар бугунги иқтисодий тараққиётнинг муҳим бўғинларидан хисобланган туризм соҳасини ривожлантириш йўналишидаги ишларга эътибор қаратар экан, ўтган даврда 47 мамлакат фўкоролари учун 30 кун муддатга визасиз режими жорий қилиниб, визасиз режим татиб этиладиган мамлакатлар сонини 65 тага етгани, яна 77 давлат фўкоролари электрон кириш воситасини олиши имконига эга бўлганга юқори баҳо берилди. Хисобот даврида 247 янги тупореператор ташкил этилиб, 1,7 миң хона сизимига эга 107 меҳмонхона ишга туширилган, сайёҳлар оқими 31 фоиз ошиб, 3 миллион кишини ташкил этишга эътироф қилинди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида жами 1 166 миллиард сўмлик иш ҳажмига кўриб бажарилди. Мазкур маблағлар хисобидан 47,6 миңга яқка тартибдаги уй-жой, 232 та кўп хонадонли уй-жой таъ-

мирланиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 637 километр ичимлик сув тармоқлари яшилди. 2 128 километр электр, 215 километр газ тармоқлари янгидан қурилди, реконструкция қилиниб, капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 53 та ижтимоий соҳа, 78 та бозор инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди. Тадбиркорликка оид ижтимоий дастурлар доирасида 5,1 триллион сўм миқдориде имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу имтиёзли кредитларнинг 4,5 триллион сўми “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 249 миңдан ортиқ оилаларга ажратилди. Мазкур маблағлар миңглаб оилаларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши, янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этди. Хисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш, уларни маданият, санъат, jisмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, компьютер технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини синдириш, хотин-қизларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлашга қаратилган 5 муҳим ташаббуси ижросини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Умумтаълим мактаблариде спорт тўгараклари сонини 38 миңг 554 тага етказилди. Ёшларнинг замонавий ахборот технологиялари соҳасида билим ва кўникмасини ошириш мақсадида республиканинг 9 та вилояти ва Тошкент шаҳрида жами 12 та рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилди. Мақтабларнинг кутубхона фондини 16,3 миллиондан 18,6 миллионга кўпайтирилди. 2019 йил охирига қадар республика бўйича 75 та тикув-трикотаж корхонаси ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, 22,5 миң хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Умуман, Ҳукуматнинг тақдим этилган хисоботи, унда келтирилган ҳар бир рақам ва далил депутатлар томонидан чуқур таҳлил қилинди. Давлат дастурида белгиланган муҳим ижтимоий-иқтисодий, социал вазифалар, чора-тадбирларнинг ижроси қизгин муҳокама қилинган марказида бўлди. Парламент вакиллари жойларда сайловчилар билан учрашуларда аҳоли томонидан кўтарилган бевосита Дав-

лат дастурига дахлдор бир қатор масалаларга Ҳукумат аъзоларининг эътиборини қаратди. Ҳукумат ҳисоботи юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари ўз нуқтаи назарини баён қилди. Жумладан, халқ вакиллари давлат дастуридаги жами 139 банддан 23 тасининг (16,5 фоизи) ижроси тўлиқ таъминланмаганини асосли танқид қилдилар. Хусусан, қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, иқтисодий фаолиятдаги давлат иштирокининг аниқ чегараларини белгилаш, 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бугунги кунга қадар қабул қилинмаган. Давлат дастурида назарда тутилган қатор қонун лойиҳалари устиде олиб борилаётган ишларнинг таҳлили шунини кўрсатадики, уларни ўз вақтида ва лўхта ишлаб чиқиш, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш, парламент қўйи палатасига қўриб чиқиш учун киритиш борасидаги ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган. Натижада “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Дипломатик хизмат тўғрисида”ги, Солик кодексининг янги тахририни тасдиқлаш каби қонун лойиҳаларини белгиланган муддатларда тайёрлашда қатор муаммолар юзга келмоқда.

Дастурнинг 155-бандида белгиланган давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, хусусан, 16 тумандаги тиббиёт муассасаларини “хар бир даволанган ҳолат” учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича ва киши бошига молиялаштириш механизмларини жорий этиш юзасидан самарали чора-тадбирлар қўрилмапти. Аҳолига кўрсатиладиган онкологик тиббий хизмат сифатини ошириш ва профилактика тадбирларини қамровини кенгайтиришга йўналтирилган Давлат дастури доирасидаги амалий чора-тадбирлар ҳам ҳанузгача якунига етказилмаган. Ички автомобил йўлларининг хозирги ҳолати, уларни таъмирлаш ҳамда сақлаш ишларининг талаб даражасида эмаслиги танқид остига олинди. Давлат дастури-

нинг 178-бандида мувофиқ шаҳар кўчалари ҳамда бошқа аҳоли пунктларининг ички йўлларини капитал ва жорий таъмирлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Бугунги кунда Давлат дастурининг 256-бандида назарда тутилган ташқи транспорт, логистика тизимини ривожлантириш, логистика марказларини такомиллаштириш, юк оқимини бошқаришга замонавий усулларни ва техник воситаларни жорий этишга етарлича эътибор қаратилмапти. Шунингдек, айрим вазирликлар томонидан пахта, галла, мева-сабзавот ва бошқа йўналишлардаги кластерлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, 2019 — 2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш, ҳудудларда “инвестиция ҳаб”ларини ташкил этиш борасидаги ишлар якунига етказилмаган. Депутатлар ҳар бир банд, белгиланган вазифининг тағ-замирида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, одамларнинг давлатдан рози бўлиб яшашига эришишдек муҳим мақсадлар тургани, шу боис уларнинг ижросини кечиктирмасдан, ўз вақтида адо этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этишини қайд қилдилар. Шу маънода, тақдим этилган хисобот материалларида Давлат дастурида ижро муддати “йил давомида” деб белгиланган “Моддий маданий мерос объектиларининг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш” (188-банд), “Тарихий шахслар ва миллий образлар ақс этган анимацион фильмлар яратиш” (192-банд) ва бошқа бир қатор бандлар ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ушбу масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозимлигини қайд этидилар. Ўз навбатида, Ҳукумат вакили бугунги кунда жамятимизда доллар бўлиб турган, ижтимоий тармоқларда жамоатчиликкимиз томонидан қизгин муҳокама қилинаётган бир қатор муҳим масалалар, хусусан, транспорт воситаларининг орқа ва ён ойналари тусини ўзгариштириш, кундуз кунли автомобилларнинг чироғини ёқиб юришга доир муаммоларни ҳал этиш масаласи бир неча ой аввал депутатлар томонидан кўтарилганини мамнуният билан таъкидлаб, кўчмас мулк ва тураржойлар-

ни бузиш билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Айниқса, кўчмас мулкларни бузиш борасида Президентнинг тегишли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаблари жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан етарлича б

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИНГ МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ?

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ҳазратларнинг Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Айтиш жоизки, Вазирилар Маҳкамаси Давлат дастурининг жорий йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан ҳисоботни парламентга тақдим қилиши ҳоқимият тармоқларидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизими амал қилганининг яққол намунаси сифатида парламентнинг ҳукумат фаолияти устидан самарали назоратни амалга ошириш, Ҳукумат ва парламентнинг ўзаро конструктив мулоқоти таъминлашга хизмат қилади.

Тузлиши буйича яхлит ушбу ҳужжатни таҳлил қилар эканмиз, тадбиркорларнинг муносабати билан ишлашни таъминлашнинг асосий тарқиқлиги ошдириш, уларнинг қонуний талабларини рўйбега чиқариш, муаммоли масалаларни ҳал этиш мақсадида 2019 йил 14 майда Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги» Фармони қабул қилинган ҳамда у билан Бош вазирнинг Тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қўлланмалари таҳлил этилганини Давлат дастурининг ижроси таъминлашида энг муҳим тадбирлардан бири сифатида баҳолаш мумкин, деган хулосага келдик.

Муҳокамаларда Давлат дастурини самарали амалга оширишда бохона, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғи имтиёзларини тақдим этишга бўлган амалдаги ёндашушни қайта кўриб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдик.

Тадбиркорликни ривожлантириш, давлат дастурларини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларидаги мавжуд бюрократик тўсиқ ва субъектив омилларни бартараф этиш юзасидан Ҳукумат алоҳида кўрсатилган иборат норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш, қатъий назоратни амалга ошириш, зарур ҳолларда депутатлар билан бу соҳада фаол ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, жорий йилнинг иккинчи чорагида дастурнинг айрим бандлари ижроси давом этаётгани, баъзи бандлар ижроси мuddати белгиланган тартибда узайтирилганини объектив ҳолат сифатида қабул қилиб, ушбу чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш борасида фракциямиз тегишли вазирилик ва идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

ЎзЛиДеПнинг ҳаракатлари дастурда мамлакатда қабул қилинаётган давлат дастурларининг, қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан таъсирчан ва самарали назоратни амалга ошириш буйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ЎзЛиДеП фракцияси Вазирилар Маҳкамасининг ҳисоботини тўлиқ маъқуллайди.

Азамат ПАРДАЕВ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Даставвал кўмиталарда, сўнг фракциямиз, мана энди янги мажлисада кечяётган муҳокамалардан нағжаланимизки, Давлат дастури доирасида амалга оширилётган ишлар эътирофга сазовор. Аиникса, миллий иқтисодийта бозор механизмларидан фойдаланилган ҳолда хуфйена иқтисодиёт кўламини қисқартириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирларга молик.

Ўз навбатида, фракциямиз томонидан Вазирилар Маҳкамасининг ҳисоботи юзасидан кечган муҳокамалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг камровли ислохотларни изчил давом эттириш, уни янги босқичга кўтариш жараёнида эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим масалалар ҳам йўқ эмас. Бу борада йўл қўйилаётган суҳбатчилик депутатларимиз томонидан ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, партиянинг устувор мақсадларидан бири ҳисобланган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида қўлдан кўчирилган таъминлаш лозимоти таркибиде трансёллар, жумладан, пальма ёнингнинг мавжудлиги, унинг инсон организмга салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида барча норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва нормативларни қайта кўриб чиқиш лозим, деган фикрдими.

Бундан ташқари, мактаб ўқувчиларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий, сайёҳлик марказига айланган шаҳарларимизга тизимли таширфини амалга оширишни назарда тутиб қўйилган ишларимиз ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, Ҳукуматга ҳунармандларнинг солиққа тортиш, уларга кредит бериш тизимини қайта кўриб чиқиш, ер майдонлари ажратилишида енгилликлар тақдим этишни жорий қилиш бўйича тақлифи илгари сурдик. Вазирилар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллаган ҳолда, Ҳукуматдан ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишни сўрадик.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВЕВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Вазирилар Маҳкамасига ҳамда унинг таркибига кирувчи вазирилик ва идоралар парламент томонидан юборилган сўровларга, фракция депутатлари сўровларига аниқ, ўз вақтида жавоб бериш йўлга қўйилган ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Ҳукумат ҳисоботида хорижий инвестицияларни жалб қилиш, жозибдор инвестицион муҳитни яратиш, ҳудудлар иқтисодий ривожланиши даражасини кўтариш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўтказилган таҳлиллар ўтган йилларга нисбатан жорий йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ўсиш суръатлари халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга ижобий таъсир этаётганини кўрсатмоқда.

Эътиборлиси, Давлат дастурининг ижроси юзасидан биринчи чорак ҳисоботи буйича Олий Мажлис палаталарининг қабул қилган қарорлари Вазирилар Маҳкамасининг Раёсати йиғилишида атрофлича муҳоама қилинаётгани, депутатлик бирлашмалари томонидан берилган тавсиялар инобатга олиниб, уларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилган режа ишлаб чиқилаётгани, бу эса, депутатлар томонидан парламент ва жамоатчилик назоратини олиб боришда муҳим омил бўлаётгани эътиборга сазовордир. Ўтган йиллардан, ҳатто, биринчи чорак ҳисоботидан фарқи ўлароқ, бу галги ҳисоботда Вазирилар Маҳкамасининг қонунчилик ташаббуси субъекти сифатида палата билан ҳамкорлик қилиш ва қонун ижодкорлиги йўналишида амалга оширилаётган ишлар таҳлилининг берилиши, келгуси режаларнинг келишиб олиниши мазкур ҳамкорликни янада мустақимлашга хизмат қилади.

Ҳисоботида Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилган ҳамда дастур ижросига оид кўпгина амалий ишлар қилинган. Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича имкониятдан тўлиқ фойдаланилмаган ҳолатлар ҳам кузатилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария, шохлининч ва тез тиббий ёрдам, икхтисослаштирилган хизматлар сифатини ошириш, арзон ва сифатли дори-дармон, тиббий буюмлар билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш соҳасида Ҳукумат, вазирилик ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида хали муҳим вазифалар турибди.

Давлат дастурида белгиланган ҳар бир тадбир ижроси барчамизнинг фаолиятимиз индикатори ва тарозиси бўлиши лозим. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, фракциямиз Вазирилар Маҳкамасининг ҳисоботини тўлалигича маъқуллаган ҳолда, келгусида Ҳукумат томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган тақлиф ва тавсияларни илгари сурди.

Жамшид ПИРМАТОВ, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Ҳукумат томонидан тақдим этилган ушбу ҳисобот жорий йилнинг биринчи чорагида тақдим этилган ҳисоботга нисбатан шишқ-пухта тайёрлангани, Давлат дастурида ўрин олган вазифалар ижроси буйича бажарилган ишлар батафсил ёритилгани билан фарқ қилишини таъ-

кидлаш жоиз. Унда Қонунчилик палатаси томонидан биринчи чорак якунлари бўйича Давлат дастури ижроси юзасидан қабул қилинган қарорлар бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар берилиши эса Ҳукумат билан Олий Мажлис ўртасида амалий мулоқот изчил ривожланиётганини аниқлатади.

Ҳукумат томонидан депутат сўровларига ўз вақтида, вазирилик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари томонидан пухта ишланган ҳолда жавоб бериш бўйича тизим яратилиши, аввало, ҳудудлар ривож ва фуқаролар манфаатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳукумат ҳисоботи юзасидан ўтказилган муҳокамаларда партиямизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланган соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига алоҳида эътибор қаратдик. Бу борада қилинган ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, Давлат дастурининг 152, 153, 155-бандларида белгиланган аҳолига кўрсатилаётган онкологик тиббий хизмат сифатини ошириш ва профилактика тадбирларини кенгайтириш, давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бюджет ҳисобидан қопланган қараловдан тиббий ёрдам ҳажмини белгиланган қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмагани юзасидан Ҳукумат вакиллари-нинг изоҳини эшитдик. Аини бугунги кунда фуқароларимизнинг эътирозига сабаб бўлаётган ушбу масалаларнинг ижобий ечимини топиш зарурлигига эътибор қаратдик.

Фракциямиз аъзолари касбий таълимни тақдим этиш ва муайян касб эгаси бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш масаласини кўтардик. Боиси ёшлар бандлигини таъминлашда касбий ўқув мuddатларини зарур билим, малака ва кўникмаларини мураккаблигига қараб турлича белгилаш бўйича вазирилик ва фуқароларимизнинг муносабатида алоҳида эътибор қаратилади.

Дастурда белгиланган маҳаллий ҳокимликларнинг иштирокида қўлаётган маблағларнинг самарали ишлатилишини назорат қилиш механизмидини ишлаб чиқиш ҳам кечиктириб бўлмас масалалардан саналади. Бу борада жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тизимнинг яратилиши ҳудудларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Нурия АЙТЖОНОВА, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаси касбий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, алоҳида эътибор қаратилмақда.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи Давлат дастури доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган қатор ижобий ишларни эътироф этган ҳолда, баъзи масалаларга эътиборни янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Хусусан, Давлат дастурида белгиланган «яшил иқтисодиёт» тамойиллари орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газлари чиқарилиши даражасини пасайтиришга, экологик барқарорликка ёрдам берувчи иқтисодий тараққиётга эришишга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш жараёнини яқунлаш, мамлакатимизнинг мазкур жараёнларга ўтишини таъминлашга қаратилган мажмуавий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Жойлардаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, аҳолини тоза оқова сув тармоғини ривожлантириш чора-тадбирларининг манзиллигини, натижадорлигини таъминлаш ҳам, бизнинг назаримизда, жуда муҳим аҳамият касб этади. Давлат дастурида белгиланган санитария-тозалаш хизматлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган ишларни жадаллаштириш, энг муаммоли масалалардан бири бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш билан боғлиқ вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлашга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

ЯНГИ МИЛЛИЙ КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

Унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Халқаро пресс-клубнинг «Ўзбекистонда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашнинг янги тизими: халқаро ҳамкорлик, устувор вазифалар ва муаммолар таҳлили» мавзусидаги навбатдаги сессиясида худди шу савол ўртага ташланди.

Унда Президентимизнинг жорий йил 30 июлдаги «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизими янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳияти хусусида фикр юритилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини раиси Танзила Норбоева, Миллий комиссия аъзолари, қатор вазирилик ва идоралар, нодавлат ношароит таъминоти раҳбарлари ҳамда Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Миллий комиссия раиси ўз сўзида айтганидек, мазкур ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 2013 йилдаги 68-сессияси қарорига мувофиқ, Одам савдосига қарши курашиш кунда эълон қилинган

алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилипти. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка, шу жумладан, одам савдосига қарши курашиш каби устувор йўналишлар ва мажбурий меҳнатни таг-томири билан йўқотиш бўйича кенг қўламли тадбирлар ўтказилмоқда.

Одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоялаш ва ижтимоий реабилитация қилиш, уларга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатишда самарали натижаларга эришилаётир. Хусусан, болалар меҳнатига барҳам берилди, қолверса, қишлоқ ҳўжалиги ишлари, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш-

га чек қўйиш бўйича чора-тадбирлар рўйбега чиқариляпти. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имижини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ва мазкур соҳадаги хорижий ноҳуқумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик таъминланмоқда.

Мазкур Фармон, энг аввало, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашишда, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини олга суришдаги давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириши таъсирчан тизимини яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Айниқса, ҳужжатга асосан, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи институти тасйс этилган, унинг функциялари Миллий комиссия раиси зиммасига юклагани муҳим ўрин тутди.

Жумладан, миллий маърузачи одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши кура-

ши соҳасида мамлакатимиз ва жаҳонда юзага келаётган вазият тўғрисида, ушбу жиноят турига дахлдор шахсларни топиш ва жазолаш ҳамда одам савдоси қурбонларини кўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар йили маълумот тақдим этиб туриши белгиланган.

Сўзга чиққанлар мазкур соҳада республикамизда кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ишончи ахборотни кенг жамоатчиликка ва халқаро ҳамжамиятга етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг дипломатик корпуси ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини жалб этган ҳолда оммавий ахборот воситалари учун мунтазам равишда брифинглар ташкил этилиши бу борадаги ишларнинг очикилиги ва ошқоралигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтишди.

Мунисон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

ЁШ КИМЁГАРЛАРИМИЗГА ДУНЁ ТАН БЕРМОҚДА

Эътиборли жиҳати, совридорларнинг 3 нафари — Тошкент педатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчиларидир.

Уларни ўтган йиллар мобайнида ушбу таълим максадида камолга етиб, ўнлаб жаҳон ва халқаро олимпиадаларда муваффақиятга эришган ёшларнинг издошлари, дейиш мумкин.

Зотан, (илк бор қатнашилган) 2008 йилдан шу пайтгача мазкур билим даргоҳида таҳсил олган навқирон авлод вакиллари Россия, АҚШ, Туркия, Козогистон, Жанубий Корея, Сингапур, Италия, Швейцария, Вьетнам, Озарбайжон, Грузия, Таиланд, Беларусь, Словакия,

ва Россия каби етакчи мамлакатлар учун яна бир муносиб рақобатчи пайдо бўлмоқда.

Айни чоғда бу нафақат бир мамлакат ёки минтақа, балки жаҳон миқёсидаги саломатли кўрсатиш саналади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига қатта ишонч бағишлайди.

Ҳақиқи равишда ёш иқтидорлар "фабрикаси"га айланган академик лицейдаги

технология ишлаб чиққанмиз. Дастлаб, таълим максадида ўқувчилар ўртасида ички олимпиада ўтказамиз. Мазкур билимлар баҳсида олдинги халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида фойдаланилган масала ҳамда мисолларни ўқувчилар ҳўкимига ҳавола қиламиз. Натижалар барчасини ойдинлаштирилади: масала ва мисолларни ечишда энг илгор ёшлардан махсус гуруҳ тузилади. Шундан сўнг қатта муассасаларга тайёрлик жараёни бошланади. Гуруҳга жалб этилган ўғил-қизлар билан таърибли ва ўқувчиларимиз, ҳамкор сифатида чакрилган илмий-тадиқот институтлари ҳамда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари алоҳида шуғулланади.

Назарий маълумотлар амалиёт билан мустаҳкамланганига, ҳақиқий билимга айланади. Шу боис қатор илмий-тадиқот даргоҳлари билан яқин алоқаларни йўлга қўйганмиз. Масалан, Фанлар академияси Усимлик моддалари кимёси ва Биоорганик кимё институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича меморандумлар имзоланган.

Бундан ташқари, таълимга халқаро таърибани таъкиб этишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Чунончи, Жанубий Кореянинг Чангвон университети, Москваинг Ломоносов университети биология, кимё факультетлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ёш ўғил-қизларнинг нафақат хар томонлама оқ қадрлар бўлиб етишишида, балки халқаро олимпиадаларда медаллар салмоғини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда яна бир ғофтоб кўрмаган ниҳол кўкка буй чўзмайди", дейди халқимиз. Инсон ҳам шундай: унинг қамоли учун шарт-шароит яратилиб, эътибор кўрсатилмаса, истеъдодини намойиш эта олмайди. Мамлакатимизда Президентимиз томонидан навқирон авлодга кенг имкониятлар яратилган эса уларни ўз салоҳиятини рўйбега чиқариб, янги-янги марраларни забт этишга ундаётгани, шубҳасиз.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Ҳақим Йўлдошев олган сурат.



Чехия сингари кўплаб давлатларда ўтказилган жаҳон ва халқаро олимпиадаларда 50 дан ортиқ медалларга сазовор бўлишган. Шулардан 7 таси олтин, 16 таси кумуш, 35 таси бронза. Ваҳолонки, бу каби интеллектуал форумларда қарийб ярим асрдан буён иштирок этадиган давлатлар ичиде хали битта ҳам олтин олманган бор экан. Демак, бу борада Хитой, Япония, Жанубий Корея

таълим технологиялари, ёшлар билан ишлаш усул ва услублари кўпчилигини қизқитириш табиий.

— Муваффақиятларимиз асоси ёндашувда, — дейди лицей директори, биология фанлари доктори, профессор Орткибой Эшонкулов. — Бизда хар бир ёш билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилган. Халқаро олимпиадалардаги ютуқларимизга келсак, бу борада ўзига хос

Илмий-тадиқот ташкилотларининг илмий салоҳияти ва инфраструктуравий таъминоти экспертасини ўтказиш мақсадида мустақил аудит хизматлари учун танлов

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилик илмий-тадиқот ташкилотларининг илмий салоҳияти ва инфраструктуравий таъминоти экспертасини ўтказиш мақсадида мустақил аудит хизматлари учун танлов эълон қилади.

Танловнинг асосий мақсади илмий-тадиқот ташкилотларининг илмий фаолият натижаларига ҳолисона баҳо бериш, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланиши афзалликлари ва камчиликлари, шунингдек, қарор қабул қилишдаги самарали ривожланиш кўрсаткичлари бўйича хулосалар бериш ҳисобланади.

Танлов талаблари веб-саҳифада жойлаштирилган: <https://mininnovation.uz/uz/competitions/24-07-2019-independent-audit>.

Танловда қатнашиш учун талаб этилган ҳўжатлар тўплами **100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1-уйга** тақдим этилиши лозим.

Аризалар 2019 йилнинг 24 августига қадар қабул қилинади. Барча ҳаражатлар Инновацион ривожланиш вазирилик маблағлари ҳисобидан қопланади. Танлов билан боғлиқ қўшимча маълумотларни audit@mininnovation.uz электрон почта манзилига мурожаат қилиш орқали олиш мумкин.

ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT IEM» aksiyadorlik jamiyati iste'molchilarni xabardor qiladi.
2019 yil 15 avgustdan e'tiboran ishlab chiqarilgan issiqlik va elektr energiyasining narxlari quyidagicha:

- I guruh uchun QQS bilan birga 125 280 so'm 1 Gkal
- II guruh uchun QQS bilan birga 125 280 so'm 1 Gkal
- elektr energiyasi uchun QQS bilan birga 153.99 so'm 1 kVt.s

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 га
71-232-10-63,
71-232-11-15.
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗАГРОЛИЗИНГ» АЖ

янги бош офиси иш фаолиятида фойдаланиш учун ишчи-ходимларга қулай ҳамда замонавий бўлган, жумладан: мажлислар зали, иш кабинетлари, конференция зали ва қўриқлаш хизмати хоналари учун офис меьеллари сотиб олиш мақсадида танлов эълон қилади.

Барча тақлифлар жорий йилнинг 5 август куни соат 17.00 га қадар (конвертлар муҳрланган ҳолда) куйидаги манзил орқали қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 4-«А» уй.
Телефонлар: 71-244-62-73, 71-244-64-87.
INFO@AGROLEASING.UZ

Иштирокчилар танлов шартлари бўйича маълумотларни юқорида кўрсатилган манзил ёки телефон рақамлари орқали олишлари мумкин.
(Шартнома умумий суммасининг 15 фоизи олдиндан тўла берилади).

«ЎЗАГРОЛИЗИНГ» АЖ танловнинг хар қандай босқичида уни бекор қилиш ҳўқуқига эга.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегиясига асосан, банкларнинг капиталлашув даражаси, депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги, ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон банк тизими ривожидида ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

QISHLOQQURILISHBANK

ИШОНЧЛИ, ДАРОМАДЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

25 йиллик тажриба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги қарорига асосан, 1994 йил 2 августдан «Фаллабанк» фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги қарори асосида «Фаллабанк» негизидида «Қишлоқ қурилиш банк» ташкил этилди.

Ўтган йиллар давомида банк миқдорларида қишлоқ қурилиши кредитлаш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, инвестициявий лойиҳаларни сармоялаш, аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш борасида сезиларли тажриба тўплади.

Банк чорак аср аввал ўз фаолиятини 8 нафар ходим билан бошлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб тизимда 3 мингдан зиёд кишилар ишламоқда ва улар 807 мингдан зиёд миқозларга хизмат кўрсатиб келяпти.

Бугунги кунда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг соф активлари 10 996,8 млрд. сўми ва жами капиталга 1 310,6 млрд. сўми ташкил этилган.

Банк 42 та филиал, 40 та минибанк, 41 жамгарма ва 52 та валюта айирбошлаш ҳамда 44 та халқаро пул ўтказмалари шохбчаси орқали республика ҳудудларида аҳолига замонавий хизматларни кўрсатаётгани алоҳида эътиборга молик.

Ободлик йўлидаги муносиб ҳисса

2009 йилдан буён қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, замо-

шу билан бирга, Ислом тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан Андижон (1400 та), Бухоро (385 та), Жиззах (812 та), Навоий (576 та), Наманган (576 та) ва Сирдарё (576 та) вилоятларида барпо этилаётган уй-ойлар учун пулдрат ташкилотларининг бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича 331,9 млрд. сўм миқдоридидаги маблағ «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Шунингдек, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларидаги фуқароларнинг бошлангич бадаллари ҳисобидан шакллантирилган 54,1 млрд. сўм миқдоридидаги маблағ асосий қурилиш материаллари ва ускуналари хариди учун инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамига йўналтирилди.

Бу маблағлар минглаб оилаларни замонавий, сифатли, шинам уй-жой билан таъминлаш, қишлоқларда янги муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантириш имконини бермоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги «Мақтабача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида банк Жиззах вилоятида мақтабача таълим муассасалари қурилишини молиялаштиришда қатнашапти.

Банк сармоялари асосида ўтган йиллар давомида ҳудудларда қад ростлаган намунавий уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари оилаларнинг уй-жойга, мақтабача таълимга бўлган эҳтиёжини қондириб қолмай, юртимиз ободлигига, қишлоқ аҳоли-

кенайтиряпти. Банкнинг кредит қўйилмалари миқдори 2019 йил биринчи ярим йиллиги якунига келиб 10 032,5 млрд. сўмини ташкил этди.

Банк ўзининг кредит сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида

хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа секторларга 3 614,9 млрд. сўм миқдоридида инвестиция кредитлари тақдим этилган.

2011 — 2019 йиллар давомида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, асосан, қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, сут-



ҳизмат кўрсатиш ҳамда бошқа секторларга 3 614,9 млрд. сўм миқдоридида инвестиция кредитлари тақдим этилган.

Банкнинг кредит сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида

ҳизмат кўрсатиш ҳамда бошқа секторларга 3 614,9 млрд. сўм миқдоридида инвестиция кредитлари тақдим этилган.

ҳизмат кўрсатиш ҳамда бошқа секторларга 3 614,9 млрд. сўм миқдоридида инвестиция кредитлари тақдим этилган.

ҳизмат кўрсатиш ҳамда бошқа секторларга 3 614,9 млрд. сўм миқдоридида инвестиция кредитлари тақдим этилган.

Кафолатли омонатлар кўшимча даромад келтиради

«Қишлоқ қурилиш банк» ўзининг депозит сиёсатида омонатларга жойлаштирилган пул маблағларининг барқарор даромадлигини таъминлашга, банк ва миқоз манфаатларини уйғунлаштиришга интиляпти.

Бунинг ёрқин мисолини бугунги кунда банк томонидан йиллик 21 фоизлик омонатлар аҳоли учун тақдим этилган.

«Фал» инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилли»да аҳоли омонатлари билан ишлашда ижобий натижаларга эришилаётди.

Кулайлик — асосий мезон

Миқозларга қулайлик яратиш банк томонидан жорий қилинаётган хизматларнинг асосини ташкил этади.

Шунга мос равишда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича маъсоддан бажариладиган амалиётлар тарқиб кенгаймоқда.

Хусусан, пластик карталардан бевосита фойдаланмаган ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида «QQB-Mobile» мобил иловаси яратилди.

Мазкур дастур ёрдамида уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлари, рамакли телевидение, турли коммунал тўловлар, истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, мобил иловани орқали ҳисоб рақамлар ҳолатини кўриш ва тўлдириш, пластик карта



қилари сонининг муттасил ошиб боришини таъминлаяпти.

Шу йилнинг олти ойи давомида банкда жами омонатчилар сони 98 800 дан 104 600 нафарга ўсди.

Омонатлардаги маблағлар қолдиги 632,9 млрд. сўмдан ортди.

Аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиги йил бошига нисбатан 87,6 млрд. сўм ёки 116 фоиз ортишига эришилди.

Банкнинг узоқ муддатли (1 йилдан ортиқ сақланадиган) омонатлар қолдиги жорий йил 1 июль ҳолатида қарийб 309,1 млрд. сўмини ташкил этиб, қисқа муддатда, яъни шу йил бошига нисбатан 168,2 млрд. сўмга ортди.

Банкдаги омонатлар қолдиги ўтган йилнинг шу даврида 586,4 млрд. сўмини ташкил қилган эди, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига бу кўрсаткич 108 фоиз ошди.

Омонатчилар учун қатор қулайликлар яратилганлиги эътиборга моликдир. Хусусан, банк филиалларида муддатли ва жамғармали омонатга минимал миқдордан оқори маблағ жойлаштирилган омонатчига пластик карталар бепул тақдим қилинмоқда.

«Depozit-banking» хизматига уланган ва фойдаланиш ҳам омонатчиларга бепул, ушбу масофавий дастур орқали жойлаштирилган омонатларга шартнома суммасидан 1 фоиз оқори тўлов йўлга қўйилган.

Нисбатан узоқ муддатли омонатларга сезиларли даражада оқори фоиз тўлови жорий қилинган.

Омонатчиға паспорт муддати ўтганиги ёки омонат муддати тугагани ҳақида хабар берувчи «SMS-хабарнома» дастури ишлаб турибди.

Баъзи сабаблар билан муддатидан аввал қайтариб олинган омонатларга уларнинг ҳақиқатда сақланган муддатларига мувофиқ фоиз тўловлари амалга ошириб келинапти.

Айтиш жоизки, омонатга қўйилган маблағлар миқозининг биринчи талабига кўра қайтиб берилди ва омонатлар сақланиши кафолатланган.

Банкда жорий қилинган биргина «Биометрик идентификациялаш» тизими афзалликларини олиб кўрайлик. Ушбу тизим бармоқ изи ёрдамида ишлайди ва бунда омонат билан боғлиқ амалиётларни миқоз иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди.

Демак, омонатнинг дахлсизлиги таъминланди.

Мижозларга қулайлик яратиш банк томонидан жорий қилинаётган хизматларнинг асосини ташкил этади.

Шунга мос равишда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича маъсоддан бажариладиган амалиётлар тарқиб кенгаймоқда.

Хусусан, пластик карталардан бевосита фойдаланмаган ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида «QQB-Mobile» мобил иловаси яратилди.

Мазкур дастур ёрдамида уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлари, рамакли телевидение, турли коммунал тўловлар, истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, мобил иловани орқали ҳисоб рақамлар ҳолатини кўриш ва тўлдириш, пластик карта

қолдиқлари ва унинг айланмалари бўйича маълумот олиш, бир пластик картадан бошқа картага пул ўтказиш имконияти мавжуд.

Банк тизимида янги «Depozit-banking» хизматининг жорий этилиши билан омонатчиларда ўз депозит ҳисобварақларидаги маблағлар доирасида нақдсиз амалиётларни банк муассасасига келмасдан, шахсий мобил телефонлари орқали бажариш, ўз омонатлари бўйича маълумот олиш имконияти пайдо бўлди.

Шу билан бирга, мазкур хизмат орқали омонатларга ҳисобланган фоизларни чиқим қилиш, муддатли тулган омонатларни тўлиқ ёки қисман қайта расмийлаштириш, омонатни нақдсиз ёпиш каби амалиётларни бажариш мумкин.

Хорижий валютадаги амалиётларнинг тезкорлигини таъминлаш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 2019 йил 1 июлдан ҳўжалик юртувчи субъектларнинг хорижий валюта олдир-сотдис бўйича буюртманома-ларининг онлайн режимида бажарилиши йўлга қўйилди.

Эндиликда миқозлар «банк-миқоз» дастури орқали банк филиалларида келмасдан, масофадан туриб «онлайн конвертация» қила олади.

Хусусан, ҳўжалик юртувчи субъектлар хорижий валюта олдир-сотдис бўйича буюртма-номаларни тақдим қилиш, хорижий ҳамкордан қайтарилган ёки ишлатилмай қолган, шунингдек, ўзининг бўш валюта маблағларини миллий валютамизга айирбошлаш қисқа муддатда амалга ошириши мумкин.

Банкнинг корпоратив пластик картасига эга бўлган миқозлар банкда бормасдан ва ортиқча ҳужжатлар тақдим этмасдан «Internet-banking», «Mobil-banking» каби масофадан хизмат кўрсатиш дастурлари орқали ўз ҳисобварақидида банк амалиётларини бажара олади.

Шунингдек, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» пластик карточкалари ҳисобварақларини куннинг истаган вақтида нақд пул шаклида тўлдириш имконияти яратилган.

Банкнинг республика ҳудудларида 24/7 режимида, кечаю кундуз, ҳодимсиз ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохбчалари тармоғи тобора кенгаймоқда.

Ҳозирги кунга келиб улар сони 28 тага етди. Мазкур шохбчалар замонавий банк хизматлари кўрсатувчи банкوماتлар, «Internet-banking»дан фойдаланувчи юридик шахслар, жумладан, яққа тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи клавиатурали инфокиоск қурилмалари билан жиҳозланган.

Уларда автоматлаштирилган ҳолда АҚШ доллари ва евро хорижий пул бирикларини кечаю кундуз сўмга айирбошлаш имко-ни бор.

Банк тизимида яратилган бу каби қулайликлар «Мижоз банк учун эмас, банк миқоз учун» тамойилининг амалий тасдиғи дейиш мумкин.

«Moody's» ва «Fitch ratings» халқаро рейтинг агентликлари томонидан АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг барча рейтинглар истиқболи «Барқарор» деб эътироф этилди.

Қисқача айтганда, 25 йиллигини нишонлаётган мазкур молия муассасаси ўтган йиллар давомида Ўзбекистон банк тизимида ўз ўрнига эга бўлди ва иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокисига айланди.

Республика молия бозоридида мустаҳкам маъқега эга бўлиш, халқаро молиявий институтирлар билан ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтариш ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан яқин шериклик асосида ишлаш, барча кўрсаткичларнинг барқарор ўсишини таъминлаш, энг муҳими, миқозларнинг ишончини қозониш «Қишлоқ қурилиш банк» учун келгусида ҳам устувор мақсад бўлиб қолади.

Шўҳрат ОРИПОВ, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» давр оғзадаги бошлиғи.



навий қурилиш материалларидан фойдаланиб, сифатли уй-жойлар қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, пировардида, одамлар дунё-қарашини ва ҳаёт сифатини тубдан ўзгартиришга қаратилган Давлат дастурлари амалга оширила бошланди.

«Қишлоқ қурилиш банк» ўтган йиллар давомида мазкур йўналишдаги дастурларнинг фаол иштирокисидир.

2009 — 2019 йилларда республика-мизда 123 мингдан ортиқ намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар қурилди.

Уларнинг 80 мингдан ортиғи бевосита мазкур банк томонидан молиялаштирилди.

Шу даврда қурилиш ишлари учун 15,41 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Ўтган даврда банк томонидан «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши-ни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Осий тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва Саудия тараққиёт фондининг кредит линиялари жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2019 йилда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» иштирокида бунёд этилаётган 6508 та уй-жойнинг умумий қиймати 400,65 млрд. сўмлик 2183 таси Осий тараққиёт банки ва умумий қиймати 657,9 млрд. сўмлик 4325 таси Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

сининг ҳаёт даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Бизнес ривожига сармоялар

Молия муассасасининг капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг ўсиши, ўз навбатида, актив операциялар ҳажмини ошириб, хусусан, кредитлаш имкониятларини янада

«Биз «Қишлоқ қурилиш банк»ка ишонамиз»

Санжар ЭШМАТОВ, «Bio Natural Food» корхонаси иш бошқарувчиси (Тошкент вилояти):

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг кўп йиллик миқозимиз. Ўтган йиллар давомида ўн марта миллий валютада 5 млрд. 762 млн. сўмлик, бир марта хорижий валютада 1 млн. 297 миң АҚШ доллари миқдоридида кредит олдим.

Банк сармояси ёрдамида Туркия ва Германиядан сут маҳсулотларини кайта ишлаш ускуналарини олиб келдим.

Сут тез айниб-диган маҳсулот. Шу сабабли уни қайта ишлаш жуда эҳтиёткорлик ва тезкор ечимларни талаб қилади.

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг доимий қўллаб-қувватлаши асосида катта ютуқларга эришяпмиз.

Маҳсулотларимиз билан ички бозорни таъминламоқдамиз, лекин асосий мақсадимиз — ташқи бозорга чиқиш.

Ҳозир Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон ва Россия давлатларидан тақдирлар тушмоқда.

Мирзабек РЎЗИМЕТОВ, «М.Б. Рўзиметов» ХК раҳбари (Хоразм вилояти):

Имплантология каби жарроҳлик амалиётлари учун хоразмлик ва қоракалпоғистонлик беморлар

мунтазам равишда Тошкент шаҳрига боришига тўғри келар эди.

Шу каби ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида корхонамизда имплантология жарроҳлигини йўлга қўйишга қарор қилдим.

Бунинг учун қўшимча молиявий маблағга зарурат сезилди.

Шу мақсадда «Қишлоқ қурилиш банк» Хоразм вилояти минтақавий филиалига мурожаат қилдим.

Мутасаддилар аризамизни тез муддатда қўриб чиқиб, корхонамизга қарийб 1 млрд. сўмлик кредит ажратди.

Олинган маблағ ҳисобига тиббий хизмат кўрсатиш учун бино ҳамда замонавий асбоб-ускуналар сотиб олдим.

Ҳозир янги дастур доирасида имплантология маркази очилди. Яратилган қулай шароитлардан миқозларимиз мамнун.

Ахмад МУХИТДИНОВ, «Natural fruit jus» корхонаси раҳбари (Наманган вилояти):

Корхонамиз 2015 йилда ташкил топган бўлиб, шарбат ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк»ка ўзимизнинг бизнес лойиҳамизни тақдим этдим.

Банк томонидан 1 млн. 50 миң АҚШ доллари миқдоридида кредит ажратилди.

Мазкур маблағдан фойдаланиб, яна қўшимча

20 та иш ўрни яратдик. Бундан ташқари, фаолияти-миз янада кенгайди.

Ишлаб чиқариш чет элнинг сўнги русумдаги технологияларига асосланган боис сифат ҳам, самара ҳам оқори бўлапти.

Корхонамизда бир ой давомида 4 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Ўжмуков ўрмонув, миқоз (Фарғона вилояти):

2005 йилдан буён бўш пул маблағларимни «Қишлоқ қурилиш банк» омонатига жойлаб келаман.

Ҳозирги кунда «Барака» омонатига маблағларимни қўйганман.

Ўтган йиллар давомида банк омонатларидан барака топдим.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахриратга келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва мўаллифга қайтариб аямалди.
ГАЗЕТАНИНГ МУСТАҚИЛ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАШКИЛЛАТ ҚИЛЎНГАР.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиков. Мусаҳҳаб — Ш. Машраббеков.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибона 71-233-10-28; Ўзюналар 71-232-11-15.

Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.00 Топширилди — 03.20

ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲИЖАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.00 Топширилди — 03.20